

**"Ўзбекистон банк тизимини модернизациялаш" мавзусида
халқаро онлайн-конференцияни ташкил этиш тўғрисида
АХБОРОТ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июндаги «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 365-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **2021 йил 29 январ куни** Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси томонидан **"Ўзбекистон банк тизимини модернизациялаш"** мавзусида халқаро онлайн-конференция ташкил этилмоқда.

Конференция кун тартибидаги асосий масала - қуйидаги параметрларга асосан алоҳида банкларни модернизациялашнинг амалдаги даражасини баҳолаш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувларни шакллантириш:

1. Инновация;
2. Мижозларга эътибор;
3. Корпоратив бошқарув;
4. Ишончлилиқ ва молиявий барқарорлик;
5. Омонатчилар учун жозибадорлик;
6. Инвесторлар учун шаффофлик ва жозибадорлик;
7. Ижтимоий масъулият;
8. Рақамлаштириш.

Юқоридаги параметрлар бўйича алоҳида банкларнинг жорий ҳолатини баҳолаш мавзусидаги тақдимотлари билан иштирок этиш учун тижорат банклари раҳбарлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари, мустақил тадқиқотчилар таклиф этиладилар.

Онлайн-конференцияга таклиф этилганлар:

- Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбарлари;
- Буюк Британия, Германия, Грузия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Россия, АҚШ, Украина, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг банк тизими мутахассислари.

Конференциянинг расмий тиллари: инглиз, ўзбек ва рус тиллари.

Маърузачилар тақдимот материалларини **2021 йилнинг 20 январигача** Ташкилий кўмигага conference@bfa.uz электрон почта манзили орқали юборишингизни сўраймиз.

Тақдимот учун вақт - 10 дақиқа. Тақдимот слайдлари сони - 10 та.

Тўпланган материаллар асосида конференция дастури тузилиб, иштирокчиларга юборилишини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефон.: +998(71) 237 48 32, 237 54 53, 237 52 92.

Масъул шахс.: Х.Зуннунова +998(93) 398 09 07.